



**HUAWEI ОБЪЯВИЛ
О СТАРТЕ ПРОДАЖ
МАТЕБООК D 15
В УЗБЕКИСТАНЕ**

5-бет.



**СУНЬИЙ
ИНТЕЛЛЕКТ
ВИКЕПЕДИЯДАГИ
МАЪЛУМОТЛАР
ИШОНЧЛИЛИГИНИ
ТЕКШИРАДИ**

6-бет.



**ТАХМИНИЙ
ЁКИ НОЁБ
ПАРОЛНИ
ТАНЛАНГ**

8-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

28 (1554)-son
15-iyul
2022

@xabaruzofficial
facebook.com/xabar.uz/
@xabaruzofficial

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz

СИЗ ҲАМ ФРИЛАНСЕР БЎЛИШИНГИЗ МУМКИН!

Йил бошидан бери АКТ соҳасида ўзини ўзи банд қилган сифатида солиқ органларидан расмий рўйхатдан ўтган ҳамюртларимиз сони деярли икки арим баробар ўсиб, 42 мингдан ортди.

– Бу фақат расмий рўйхатдан ўтган фрилансерлар сони, расмий рўйхатдан ўтмасдан ишлаётганлар ҳам яна анчагина бўлса керак. Уларга ҳам расмий рўйхатдан ўтиб қўйишни тавсия этамиз, – қайд этади АКТ вазири Шерзод Шерматов.

Вазирнинг таъкидича, улар ўз билим ва кўникмаларига ишониб яхши даромадли ишни ўзлари истаган вақтда ва исталган жойда қилишни танлаганлар. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар бозорида фриланс хизматларига талаб кун сайин ортмоқда, бунинг учун фақат интернетда бўш вақтингизда ўз устингизда кўпроқ ишлашингиз керак бўлади.

Эслатиб ўтамиз, аввалроқ фрилансерлик орқали Ўзбекистонда юқори даромад топмоқчи бўлганлар учун АКТ вазири билан онлайн тарздаги очиқ мулоқот ташкил этилганди.



ДУНЁНИНГ 10та ЭНГ ҚИММАТ ИТ-КОМПАНИЯЛАРИ

1. Microsoft
2. Alphabet Inc.
3. Oracle
4. Salesforce.com
5. Accenture plc
6. SAP SE
7. Tata Consultancy Services Limited
8. IBM
9. ServiceNow
10. Infosys Limited



Манба: <https://invest-journal.ru/>




ОПЕРАТОР ВА ПРОВАЙДЕРЛАР ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИ ШЕРЗОД ШЕРМАТОВ БОШЧИЛИГИДА ОПЕРАТОР ВА ПРОВАЙДЕРЛАР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИ КЕНГ ПОЛОСАЛИ ИНТЕРНЕТГА УЛАШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА ХИЗМАТЛАР СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ МУЛОҚОТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



it-istedod.uz

КОМПЕНСАЦИЯ ДАСТУРИ



Халқаро IT-сертификатларини олган ёшларга харажатларнинг ярми қайтариб берилади.

Халқаро IT-сертификатларини олишда рағбатлантириш тизими мамлакатимиз ёшларининг муваффақиятли ижтимоийлашуви ва ўз устида ишлаш учун шароит яратиш, салоҳиятини ошириш, шунингдек, давлатимизни янада ривожлантириш манфаатларида фойдаланиш учун жорий этилди.

Дастур IT-Парк ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда ишга туширилди.

Дастур билан IT-мутахассисларига халқаро сертификат олишга сарфланадиган маблағнинг 50 фоизигача компенсация олиш имкони бери-

лади.

Компенсация пулини халқаро IT-сертификатларини олган 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган Ўзбекистон фуқаролари қўлга киритиши мумкин.

Компенсация олиш учун аризалар онлайн тарзда my.gov.uz портали орқали юборилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатларни илова қилиш лозим:

- ўқиш ва халқаро сертификат олиш учун харажатлар қвитанцияси;
- халқаро IT-сертификатининг нусхаси.





Жумадан
жумагача

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 июл куни геология соҳасидаги натижалар ва йил якунигача бўлган режалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси Б.Исломов охириги йилларда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди.

Президент Шавкат Мирзиёев 11 июл куни ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳудудлардаги натижадорлиги таҳлили бўйича йиғилиш ўтказди. Унда туман ва шаҳарларда ислохотларнинг самарадорлиги, аҳоли ва тадбиркорлар кўтарган долзарб масалалар атрофида таҳлил қилиниб, таклифлар билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 июл куни Евроосиё иқтисодий комиссияси Хайъати раиси Михаил Мясниковични қабул қилди. Савдо тўсиқларини бартараф этиш, sanoat кооперациясини кучайтириш ва ишбилармонлик алоқаларини рағбатлантириш, лойиҳавий ҳамкорликни ривожлантириш, транзит соҳасидаги дастур ва лойиҳаларни илгари суриш, миграция тартиботларини соддалаштириш ва ўзаро сайёҳлар оқимини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 12 июл куни Бирлашган Араб Амириклари билан ҳамкорликда энергетика соҳасида амалга оширилаётган йирик лойиҳаларга оид тақдимот билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари-инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурузов Евроосиё иқтисодий комиссияси (ЕИК) Хайъати раиси Михаил Мясникович бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда мамлакатимизнинг кузатувчи давлат мақомида ЕИК билан ўзаро ҳамкорлик масаласи муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 июл куни Эрон Исломи Республикаси Исломи Кенгаши Мажлиси раиси Муҳаммад Багир Қолибоф бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш, шунингдек, минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркманiston Президенти Сердар Бердимухамедов 14-15 июл кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади. Олий даражадаги музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон билан Туркманiston ўртасидаги дўстлик, яхши кўшничлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

ОПЕРАТОР ВА ПРОВАЙДЕРЛАР ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ



Очиқ ва самимий руҳда ўтган мулоқот давомида ахборот технологиялари соҳасида, шунингдек, телекоммуникация тармоқлари фаолиятида эришилган ютуқлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳамда 2022 йилга мўлжалланган вазибалар хусусида гаплашилди. Кенг полсали маълумот узатиш тармоқларининг ҳолати таҳлил қилинди ва шу йўналишда фаолият олиб бораётган оператор ва провайдерлар фаоли-

ятини ривожлантириш масаласи муҳокама қилинди.

Қайд этилишича, бугунги кунда республика ҳудудида 40га яқин телекоммуникация оператори ва провайдерлари абонентларга интернет хизматини кўрсатиб келмоқда.

Мулоқотда республикадаги барча аҳоли масканлари, жумладан, уй хўжалиқларини симли кенг полсали телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш ва

тармоқ қамровини ошириш мақсадида телекоммуникация оператори ва провайдерлари томонидан бугунги кунга қадар кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани айтиб ўтилди.

Очиқ мулоқот давомида кўтарилган масалалар юзасидан оператор ва провайдерлар раҳбарларининг фикрлари тингланди, шунингдек, телекоммуникация соҳасини янада ривожлантириш бўйича фикр ва мулоҳазалар алмашилди.

АКТ ВАЗИРИ ПРЕЗИДЕНТ МАСЛАҲАТЧИСИНИНГ МАХСУС ВАКИЛИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов Ўзбекистон Президентининг иқтисодий ривожланиш, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчисининг махсус вакили Ж.Чарлз билан учрашув ўтказди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича фикр ва мулоҳазалар алмашилди.

Президент томонидан мамлакатни минтақавий IT хабга айлантириш бўйича берилган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича ишлар амалга оширилаётгани айтилди.

Шунингдек, IT-Парк фаолияти ҳақида тақдимот ўтказилиб, Ш.Шерматов келгусида режалаштирилган ишлар хусусида тушунтиришлар бериб ўтди.

Ўзбекистонда ёшлар орасида ВРО ва КРО каби соҳаларга бўлган талаб ошиб бораётгани, уларни юқори маошли иш билан таъминлаш ҳамда ҳозирда ушбу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди.



it-istedod.uz

КОМПЕНСАЦИЯ ДАСТУРИ

Халқаро IT-сертификатларини олган ёшларга харажатларнинг ярми қайтариб берилади

Эътибор беринг, компенсация олиш учун сертификат олгандан сўнг 180 кундан кечиктирмаслик лозим:

- компенсация ўтказиш учун банк карта рақами, банк транзит рақами, СТИР ва банк коди;

- ариза берувчи 16 ёшга тўлмаган бўлса, аризани тўлдиришда ота-она/васийларнинг маълумотларини кўрсатиш лозим.

Агар ариза берувчининг сўровномадаги реквизитлари ва унга илова қилинган ҳужжатлар белгиланган талабларга жавоб берса, компенсация ариза тўлдирилган

кундан бошлаб 17 иш куни ичида амалга оширилади.

Компенсация бериладиган халқаро IT-сертификатларининг тўлиқ рўйхати it-istedod.uz сайтида жойлаштирилган.


Компенсация миқдорини ҳисоблаш олинган сертификат IT-мутахассислик даражасига боғлиқ. Хусусан, бошланғич даражали сертификатлари учун 30 фоиз, ўртача даража учун 40 фоиз ва юқори даражадаги IT-мутахассислик сертификати 50 фоиз компенсация тўлаб берилади.

Масалан, Cisco компаниясидан CyberOps профессионал курсининг

нархи 3000 доллардан 6000 долларгача бўлади. Шундай қилиб, курсни муваффақиятли тамомлаган ёшлар 3000 долларгача компенсация пулини олиш имкониятига эга.

Ушбу халқаро IT-сертификатларни олиш учун онлайн ва оффлайн тарзда курсларни битириш мумкин.

Онлайн курсларни HUAWEI, Coursera, Skillbox, Geekbrains каби платформаларда, оффлайн таълимни эса IT-Парк Тошкент филиалида ҳамда пойтахтда жойлашган бир қатор хусусий ўқув марказларида олиш мумкин.



Энди ишончнома олиш учун НОТАРИУСГА БОРИШ ШАРТ ЭМАС

“Автотранспорт воситаларини бошқаришда ва йўналишсиз такси фаолиятини амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, 2022 йил 1 сентябрдан автотранспортни бошқариш учун ишончномаларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали (my.gov.uz) электрон расмийлаштириш йўлга қўйилади.

Электрон ишончнома нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди ва у ИПХ ходимлари томонидан электрон текширилади.

Электрон ишончнома учун давлат божи ишончнома нотариал тасдиқлаш учун белгиланган давлат божига (БХМнинг 3 баравари – 900 минг сўмга) нисбатан қуйидаги фоизларда ундирилади:

- бир ойгача бўлган муддатга – 10 фоиз (90 минг сўм);
- олти ойгача бўлган муддатга – 50 фоиз (450 минг сўм);
- уч йилгача бўлган муддатга – 100 фоиз (900 минг сўм).

Юридик шахслар ҳайдовчиларининг 2 йилда 1 марта мажбурий малакасини ошириш талаби бекор қилинди.

2022 йил 1 сентябрдан фуқаролар ва транспорт ташиш лицензиясига эга юридик шахслар ўртасидаги транспорт ижараси шартномаларини нотариал тасдиқлаш талаб қилинмайди.

Бунда мазкур шартномалар солиқ органларида электрон ҳисобга олинади.

2022 йил 1 сентябрдан 2024 йил охиригача:

- Ҳайдовчидан ташқари тўрттадан кўп бўлмаган ўриндикларга эга транспортларда йўловчи ташиш ўзини ўзи банд қилиш деб қаралади ва ушбу фаолият лицензия варақаси асосида амалга оширилади;
- лицензия варақаси беришда автомобилнинг эксплуатация даврига қўйилган талаб бекор қилинади.

ТАЛАБАЛАР ЎЗГИ АМАЛИЁТДА

“РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН 2020 – 2022 ЙИЛЛАРДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ДАСТУРИДА ВИЛОЯТДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ВАЗИФАЛАР БЕДЛАБ ОЛИНГАН. БУ БОРАДА ФИЛИАЛ ТОМОНИДАН БИР ҚАНЧА ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИБ КЕЛИНМОҚДА.

Бугунги кунда “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиалида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг 3-босқич талабалари ўзларининг ёзги ишлаб чиқариш амалиёт машғулотларини ўтамоқда. “Телекоммуникация инжиниринги” кафедраси профессор-ўқитувчиларидан доцент Абдуғафур Хотамов, катта ўқитувчи Зулфия Рўзиева, ассистентлар Жамшид Уринов, Муҳаммадзоир Хаджаев, Зафар Ғайратовлар соҳа корхонасида бўлиб, талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиёт машғулотларини ўташ жараёни билан яқиндан танишдилар.

Танишув доирасида филиалда талабаларнинг амалиёт жараёнида эътибор бериш керак бўлган нозик жиҳатлар, бундан кейинги бажарадиган ишлар борасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали директорининг (техник масалалар бўйича) биринчи ўринбосари Зоҳид Худойберганов талабаларга ишлаб чиқариш амалиёт машғулотларини ўташлари учун яратилган зарур шарт-шароитлар ҳақида гапирди. Кафедра ассистентлари – Жамшид Уринов ва Муҳаммадзоир Хаджаев сўзга чиқиб соҳадаги ўзгаришлар, янги қурилмалар, автоматик жиҳозлар ҳақида маълумотлар беришди.

– Талабаларнинг корхонамизда амалиёт ўташлари муҳим аҳамият

касб этади, – дейди Самарқанд шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Аббос Мавлонов. – Бу ерда етарли шарт-шароит бор. Тажрибали мутахассисларимиздан кўп билимларни ўрганиш мумкин, соҳада етук мутахассис бўлиш учун талабалар бугунги амалиётдан унумли фойдаланиб қолишлари жуда муҳим.

Умумий ҳисобда 24 нафар талаба Самарқанд шаҳар телекоммуникациялар боғламасининг 217, 221/222, 225, 229, 232, 235-АТСларида ишлаб чиқариш амалиётдан қатнашмоқда. Уларга соҳа корхонаси томонидан бириктирилган Акбарали Йўлдошев, Фарҳод Эргашев, Жамшид Халилов, Обид Амиров каби тажрибали мутахассислар ўзларининг тажрибаларини ўргатапти. Талабалар ишлаб чиқариш амалиёт машғулотлари давомида линия кабел хўжалигида алоқа кабеллари турлари ва уларнинг ишлатилиши, оптик толали кабеллар хусусиятлари, уларни пайвандлаш жараёнлари, алоқа модемларини шаҳар аборентлари уйларида ўрнатиди ва созлаш, АТС ва кроссда бажарилаётган ишларни ўз кўзлари билан кўриб тажриба орттирмоқда.

Амалиёт ўтаётган талабалар келажакда, олийгоҳни муваффақиятли тугатгач, мазкур корхонада доимий иш билан таъминланишлари мумкин.

ТАТУ Самарқанд филиали матбуот хизмати

СОҲАГА САДОҚАТ САМАРАСИ

КАСБНИНГ ЯХШИ-ЁМОНИ БЎЛМАСЛИгини БАРЧА ТЕНГҚУРЛАРИ ҚАТОРИ ШУХРАТ БАЙМЕТОВНИНГ ҲАМ ОНГУ ШУУРИГА УСТОЗЛАРИ ЎҚУВЧИЛИК ЙИЛЛАРИДАЁҚ СИНГДИРИШГАН. ҲАРЧИ, ЎСМИРЛИК ЧОҒЛАРИДАГИ АЗАЛИЙ ОРЗУСИ – ПОЧТА АЛОҚАСИ СОҲАСИДА ИШЛАШДЕК ЭЗГУ МАҚСАДИ УСТУНЛИК ҚИЛГАН БЎЛСА-ДА, БИР ЙИГИТГА ҚИРҚ ХУНАР ОЗ, ДЕГАНЛАРИДЕК, ҲИКОЯМИЗНИНГ УША ПАЙТДАГИ 27 ЁШЛИ ҚАҲРАМОНИ БУХОРО ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИНИ ҲАМ МУВАФФАҚИЯТЛИ БИТИРИБ ОЛИШГА ҲАМ УЛГУРГАН ЭДИ.

Беғубор ва ташвишсиз болаликнинг ҳадсиз-худудсиз орзу-умидларига тенг кела оладигани йўқ экан. Бу гал ҳам шундай бўлди. Меҳнат фаолиятини Бухоро тумани электр тармоқлари корхонаси ишчиси сифатида бошлаган Шухрат Бухоро давлат почта алоқаси ва матбуот тарқатиш корхонаси почтачиси сифатида ҳам ишлади. Ҳозирги пайтда эса у “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти Бухоро филиали Галаосиё почта алоқаси боғламасининг 3-даражали почтачиси вазифасида ишлаб, ўз танлаган касбини улуғлаб келмоқда.

– Боғламамизда 30 нафар киши турли вазифаларда фаолият олиб бормоқда. – дейди Галаосиё почта алоқаси боғламаси бошлиғи Гулнора Ашурова. – Юнус Яхшиев, Рамазон

Раҳимов, Ўктам Қулиев, Интизор Курбанов сингари ходимларимизнинг 17 нафари 15–20 йиллик бой иш тажрибасига эга почтачилар ҳисобланади. Улар ўз зиммаларидаги масъулиятни теран англаган ҳолда иш юритиб келишяпти. Ўзига ва бошқаларга талабчан почтачилар томонидан хонадонлар ҳамда корхона ва ташкилотларга ўнга яқин номдаги матбуот нашрларининг ўз вақтида етказиб берилаётганлиги ҳам касбдошларнинг ўз танлаган соҳасига садоқати самарасидир.

Дарҳақиқат, почтачилик – шарафли касб. Маърифатга интиқ кўнгилларнинг ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайдиган сарчашмалардан доимий маънавий озиқ олишга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилувчи мўътабар касблар–

дан биридир. Қолаверса, Шухрат Байметовнинг ўзи таъкидлаганидек, газета-журналлар, маънавият дурдоналари етиб борадиган хонадондан бирор бир ёмонлик чиқиши амри маҳол.

Касбимиз тақозосига кўра жойлардаги почта алоқаси боғламалари хат ташувчиларининг хизмат вазифалари билан танишар эканмиз, бир қарашда оддийгина ва жўн бўлиб кўринган ушбу юмушлар замирида том маънодаги халқимиз талаб-эҳтиёжларини қондиришдек устувор ва ягона бир мақсад мужассам эканлигини англаб етамиз.

Газета-журналлар, жўнатмаларнинг ўз эгаларига вақтида топширилишида касбига садоқатли инсонларнинг хизматлари салмоқдир. Қаҳрамонимиз, 36 йилдирки, ўз хизмат вазифаларини бенуқсон ва бекаму кўст адо этиб келмоқда. Бухоро тумани маркази – Галаосиё шаҳридаги “Наврўз”, “Мустақиллик”, “Ойбек”, “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинларидаги хонадонларда истиқомат қилувчи кишиларнинг қай бири

билан суҳбатлашманг, уларга кўрсатилаётган почта хизматидан бениҳоя мамнун эканликларини билдиришади. Бир қатор вақтли матбуот нашрларида обуна бўлган тумандаги санитария-эпидемиологик назорат маркази, туман прокуратураси, қурилиш, ирригация-мелиорация коллежлари сингари корхона, ташкилот ва муассасаларга кўрсатилаётган почта хизматидан ҳам обуначилар мамнун.

2022 йилги анъанавий касб байрами – 7 май – Алоқачилар куни арафасида Байметовлар хонадонини қувонч қамраб олди. Бир гуруҳ ҳамкасблари қатори Шухрат Байметов ҳам почта алоқаси соҳасидаги кўп йиллик ва фидокорона хизматлари учун “Ўз касбининг устаси” белгиси билан тақдирланди. Ушбу муносиб эътироф тажрибали ва моҳир почтачиси Ш.Байметов ва унинг фидойи ҳамкасбларини кундалик фаолиятда янги муваффақиятлар сари даъват этиши турган гап.

Асқар ИСТАМОВ,
“Xabar”нинг Бухоро
вилоятидаги муҳбири

Саидакбар Икромов: КЕЛАЖАКДА ЎЗ ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИМ БЎЛАДИ

“Хориждаги ватандошлар” лойиҳаси доирасидаги интервьюларни давом эттирамиз. Навбатдаги суҳбатдошимиз Жанубий Кореядаги SolBridge Халқаро бизнес мактаби талабаси Саидакбар ИКРОМОВ бўлди.

Қаҳрамонимиз ҳозир Португалиядаги Порто университетида алмашинув дастури бўйича таҳсил олмоқда.



**16 ёшимда IELTSдан
7 балл олганман**

Андижон шаҳрида туғилиб ўсганман ва 31-умумтаълим мактабида таълим олганман. Болалигимдан инглиз тилига қизиқшим юқори эди ва мактаб даврлариданоқ шу тилни катта қизиқиш билан ўрганишга ҳаракат қилдим. Ота-онам зиёли бўлганлари учун таълим-тарбиямизга алоҳида эътибор беришган.

Мактабнинг 8-синфидан бошлаб Андижон шаҳридаги “Тараққиёт” ўқув марказида инглиз тилини янада чуқурроқ ўрганишни бошлаганман ва 16 ёшимда халқаро IELTS имтиҳонидан 7 балл олганман. Бу менга янги имкониятлар ва хориж эшигини очган десам, тўғри бўлади.

Олий таълим олиш учун олийгоҳлар қидираётган вақтим жуда кўп давлатлар ва университетлар ҳақида ўргандим, охир-оқибат Жанубий Кореяни ўзим учун кейинги манзил сифатида танлаганман. Бунга асосий сабаблардан бири мамлакатдаги ўқув муассасаларининг менга кўпроқ миқдорда грант бериши ва давлат ривожланганлиги аҳамиятга эга бўлган.

**TOP 15 фоиз
талабаларга бериладиган
грантга эришдим**

Жанубий Кореяда ўқиётган вақтим анча вақт юз фоиз грант асосида ўқиш учун ҳаракат қилганман ва икки йил деганда ота-онам дуолари ва дўстларим кўмаклари сабаб TOP 15 фоиз талабаларга бериладиган грантга эришдим.

Шундан сўнг университетимдаги мавжуд имкониятга кўра, Европага 1 семестр алмашинув дастури орқали бериб ўқишга қизиқдим ва Португалия давлатига келдим.

Ҳозир Порто университетида ўқияпман. Олийгоҳ дунё рейтингда 274-ўринда туради. Бу йил мен ўқийдиган иқтисодиёт факультети “subject score”, яъни университетларнинг ҳар бири йўналишидаги жаҳон рейтингда TOP-50талик рўйхатдан жой олди.

**“МЕН ХОРИЖДАГИ
ҲАЁТИМ ДАВОМИДА
ДОИМО ШУКУР ҚИЛИШ
ВА ҲАРАКАТДА
БЎЛИШНИ
ЎРГАНДИМ,
БОИСИ ФАОЛ
БЎЛГАН ИНСОН
ҲАМИША ҲАЁТДА
НИМАДИРГА
ЭРИШАДИ.”**

Университет 191 йили ташкил этилган, тиббиёт ва иқтисодиёт йўналишлари бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллайди. Порто талабаси бўлиш учун эса асосан IELTS имтиҳонидан минимум 6 балл, мотивацион иншо, мактаб/лицей баҳолари, қабул интервьюсидан аъло ўтиш талаб этилади.

**Эркинлик ва
креативлик ёқади**

Менга эркинлик ва креативлик ёқади, қолаверса, стартап лойиҳаларим ва бизнесларимни амалга оширишни хоҳлайман. Шу сабабли ҳам бизнес бошқаруви ва маркетинг бўйича таълим олишга қарор қилдим. Ҳар қандай соҳа вакили пулни тўғри бошқаришни ва қаерга ишлатишни билиши керак ва бунда бизнес бошқарувидаги билимларнинг аҳамияти юқори.

Умуман дунёнинг ривожланган давлатлар тараққиётида хусусий секторнинг аҳамияти улкан бўлган. Аниқроғи, хусусий компаниялар жаҳон бозорига чиқиш орқали мамлакатга катта фойда олиб келади. Мен ҳам келажақда жаҳонда таниқли компанияга асос солишни ният қилганман.

Samsung, LG ва Hyundai...

Жанубий Корея ва Португалияда ҳар йили минглаб стартап мусобақалари ўтказилади. Бундай мусобақаларда асосан талабалар ўз лойиҳалари билан иштирок этади. Лойиҳаларни баҳолайдиган ҳакамлар таркиби асосан катта компанияларнинг HR директорлари ва бошқарувчиларидан иборат.

Жанубий Кореяда ўқиётган вақтим Samsung компаниясидан келган вакиллар университетимизда ўтказилган халқаро стартап танловининг ҳакамлари сифатида иштирок этган эди. Кейин танлов сўнггида бир нечта талабаларнинг бизнес лойиҳаларини Samsungда жорий қилиш учун танлаб олишган.

Португалияда ҳам бу семестр мамлакатдаги нуфузли Portugal Bugs компанияси университетимизга келиб, улардаги муаммоларга ечим топишимиз учун бизга кейс-топшириқлар беришган. Очиги, жараён жуда қизиқ, ҳозир шу бўйича изланишлар қиялпимиз.

Яна бир қизиқ маълумот айтмоқчиман, Жанубий Корея Ялпички маҳсулотининг (GDP) 60 фоизи “Chaebol”лар, яъни йирик оилавий бизнес конгломератлари ташкил қилади. Бундай конгломератларнинг энг машҳурлари Samsung, LG ва Hyundai кабиларни келтириш мумкин.

**Бизнес – муаммога
ечим бериш**

Фикримча, тадбиркор инсонда бўлиши керак бўлган энг муҳим сифатлар бу – мослашувчанлик, қатъийлик, жамоа билан ишлаш олиш қобилияти, сабрлилик, йиқилишларга чидамли бўлиш, ўз хатоларидан тўғри хулоса чиқара олиш, креативлик ва лидерлик.

Тадбиркор инсоннинг ҳаёти ва бизнеси доим бир текисда бўлмайди, унда доим паст-баландликлар учрайди. Шунинг учун қийин вақтларда қилган хатоларидан тўғри хулоса чиқариб сабр билан ана шундай ҳолатлардан чиқиш кета олиш жуда муҳим.

Яна бизнес маълум бир инсон томонидан қандайдир муаммога ечим бериш, шунинг учун ҳам тадбиркор инсон доим креатив

бўлиши лозим. Чунки муаммоларга ечим топиш учун унга ҳеч ким қарамаган ракурсдан қараб кўриши керак. Катта ишларни амалга ошироқчи бўлган ишбилармонга аҳил жамоа, уни тўғри шакллантириш ва бошқаришга лидерлик сифати зарур. Ҳар қандай бизнес муҳитга кўникиш учун тадбиркор мослашувчан бўлиши ҳам талаб этилади, деб ўйлайман.

**Уч йил менга
кўп сабоқлар берди**

Хориждаги охириги уч йиллик ҳаётим менга кўп сабоқлар берди. Оила аъзоларингиздан узоқда юрган вақтингиз барча ишлар фақатгина ўзингизнинг бўйинингизда бўлади ва бу сизга катта масъулият юклайди, мусофир бўлган инсон ҳаётда қийинчиликларга бардош бериш ва сабрли бўлишни ўрганади.

Мен хориждаги ҳаётим давомида доимо шукур қилиш ва ҳаракатда бўлишни ўргандим, боиси фаол бўлган инсон ҳамиша ҳаётда нимадирга эришади. Чет элда юрган вақтингиз менда вақт йўқ, пул йўқ, шароит йўқ ёки шунга ўхшаш баҳоналар бефойда эканлигини англайсиз. Натижада, ҳаракат қиласиз ва бу муваффақиятга эришиш учун энг асосий омиллардан биридир.

Жанубий Кореяда яшаб ва Европанинг 12та давлатида саёҳат қилиб мен турфа инсонларни учратдим ва улар билан суҳбат қуриб дунёқарашим анча ўзгарди. Ҳар бир учратган ва суҳбатлашган инсондан энг камида битта бўлса ҳам нарса ўрганасиз. Мен бир нарсани аниқ тушуниб етганман, инсон қандай вазиятда бўлмасин ҳаракат қилса, у албатта натижага эришади.

**Боғчадан
университетгача...**

Ўқишимни битиргач бир неча йил хорижда ишлаб тажриба орттироқчиман. Болалиқдан таълим тизимини яхши тушуниб ва ўрганиб келганман, шунинг учун режаларим таълим билан боғланган. Аниқроғи, келгусида ўзимнинг таълим кластеримни яратган ҳолда боғчадан тортиб университетгача ўқув муассасалари очиш ниятим бор.

**Нурилло ТЎХТАСИНОВ
суҳбатлашди**

ВОПРОСЫ СОЗДАНИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ НАПРАВЛЕНИЙ В СФЕРЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ОБСУЖДЕНЫ С РУКОВОДСТВОМ ВЕБСТЕРСКОГО УНИВЕРСИТЕТА В ТАШКЕНТЕ

13 июля, министр по развитию информационных технологий и коммуникаций Шерзод Шерматов провел встречу с генеральным директором международных кампусов Университета Вебстер в Ташкенте Райаном Гэффи.

В ходе встречи было отмечено о планах Университета Вебстер в Ташкенте в ближайшее время создать ряд образовательных направлений, связанных с информационными технологиями.

В связи с этим была подчеркнута важность прямого сотрудничества с Министерством ИКТ и развития взаимного партнерства.

Вместе с тем, на встрече обсуждались вопросы дальнейшего укрепления места информационных технологий в сфере образования и возможности стажировок для студентов.



СЕМИНАР В ГНУ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ

В рамках выполнения «Плана совместных мероприятий с Государственным налоговым управлением Бухарской области на 2022 год» сотрудниками Службы электромагнитной совместимости Бухарской области был проведен учебный семинар.

Участниками семинара было подробно изучено «Положение о взаимодействии министерств и ведомств при организации контроля за соблюдением порядка приобретения (передачи), реализации и (или) установки (строительства), эксплуатации на территории Республики Узбекистан и ввоза из-за границы радиоэлектронных средств и высокочастотных устройств», утвержденное Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №801 от 22 декабря 2020 года.

В ходе изучения требований вышеуказанного Положения сотрудники СЭМС Бухарской области дали подробные разъяснения о порядке взаимодействия с Государственным налоговым управлением Бухарской области в случаях выявления фактов незаконной реализации РЭС и ВЧУ на территории области. Также была дана информация о том, что изъятые РЭС и ВЧУ сотрудниками Государственного налогового управления Бухарской области, в случае необходимости, могут быть направлены в СЭМС Бухарской области для подготовки экспертного заключения.



В свою очередь, сотрудники СЭМС Бухарской области должны будут не позднее трех дней со дня предоставления РЭС и ВЧУ оформить акт технической экспертизы по установленной форме. При этом расходы, связанные с подготовкой заключения технической экспертизы, должны быть возмещены за счет средств Государственного налогового управления Бухарской области.

В ходе проведения учебного семинара сотрудники Государственного налогового управления Бухарской области получили подробные ответы на все интересующие их вопросы.

Р.ОДИЛОВ,
инженер 1 категории СЭМС
Бухарской области

РЕЗИДЕНТЫ IT-PARK EPAM ЗАПУСКАЮТ КУРС ПО WEB SECURITY TESTING

На этом курсе вы изучите необходимый минимум для проведения Web Applications Security Testing, чтобы начать карьеру в Security Testing.

Тренинг включает:


- Основные уязвимости веб-приложений
- Основы безопасного цикла разработки программного обеспечения
- Методологии проведения тестирования на безопасность
- После успешного окончания тренинга вы сможете пройти углубленное обучение в лаборатории EPAM и получить предложение о работе.



IT-ПРАВО. КАКОВО УСЛОВИЕ ВКЛЮЧЕНИЯ ИНФОРМАЦИИ В ИНФОРМАЦИОННЫЕ РЕСУРСЫ?

Вопрос: каково условие включения информации в информационные ресурсы?

Ответ: как указано в статье 8 Закона Республики Узбекистан «Об информатизации», документирование информации является обязательным условием включения информации в информационные ресурсы. Порядок документирования информации устанавливается специально уполномоченным органом.



HUAWEI ОБЪЯВИЛ О СТАРТЕ ПРОДАЖ МАТЕВООК D 15 В УЗБЕКИСТАНЕ

До 31 июля при покупке MateBook D 15 можно получить FreeBuds 4i и ваучер на 200 тысяч сумов сети магазинов «Корзинка».

При приобретении нового Huawei MateBook D 15 на территории Узбекистана до 31 июля покупатель становится обладателем гарантированных подарков: беспроводных наушников FreeBuds 4i и ваучера на 200 тысяч сумов на покупку в сети магазинов «Корзинка».

Больше экран — больше возможностей

Лэптоп получил 15,6-дюймовый IPS-дисплей с разрешением 1920x1080 пикселей. Толщина рамок вокруг экрана не превышает 5,6 мм. MateBook D 15 имеет сертификат защиты от синего света и мерцания TÜV Rheinland и помогает снизить усталость глаз, обеспечивая более комфортную работу за компьютером.

Huawei MateBook D 15 выглядит строго и минималистично, стильно и дорого. Вес модели MateBook D 15 — 1,53 кг с диагональю 15,6 дюймов. Несмотря на небольшой вес и толщину стильный гладкий корпус ноутбука отличается прочностью и устойчивостью к износу.

Новые возможности взаимодействия между устройствами

Функция «Мультиэкрин» дает возможность после мгновенного подключения друг к другу легко обмениваться файлами и совершать голосовые и видеозвонки. Можно открыть файл с телефона на ноутбуке, отредактировать его и сразу же сохранить обратно на телефоне, что удобно и практично. Также пользователи могут открывать одновременно три окна с разными приложениями со смартфона на экране MateBook. Работа в режиме многозадачности теперь доступна каждому.

Безопасная работа веб-камеры

Еще одна фишка безопасности — работа веб-камеры. Заклеивать ее стикерами или покупать специальные шторки-заглушки больше нет смысла. Камера встроена в механическую кнопку на клавиатуре. При нажатии на кнопку камера открывается, закрывается также одним нажатием. Не царапается и не пылится. Благодаря такому эргономичному решению достигаются тонкие рамки в верхней части экрана ноутбука.

MateBook D 15 будет доступен в двух версиях — с процессором Intel Core i3/i5, оснащенный 8 Гб оперативной памяти DDR4 и твердотельными накопителями емкостью 256/512 Гб в цвете Space Gray или Mystic Silver.



TWITTER КОМПАНИЯСИ ИЛОН МАСКНИ СУДГА БЕРДИ



Twitter компанияси Tesla va SpaceX асосчисини томонлар томонидан тузилган шартномада кўрсатилганидек, уни 44 миллиард долларга сотиб олишга суд орқали мажбурламоқчи.

Twitter компанияси америкалик бизнесмен Илон Маскни уни сотиб олмаслик қарори туфайли судга берди. 12 июль, сешанба куни Twitter вакиллари АҚШнинг Делавэр штати судига юборган ҳужжатлардан маълум бўлишича, компания Маскнинг сотиб олиш шартномаси шартларини бажаришини таъминлаш ниятида.

“Маскнинг хатти-ҳаракати унинг ўзи ихтиёрий равишда имзолаган мажбурий шартномадан узоқлашишга интилаётганини ва бу жараёнда Twitterга зарар етказмоқчи эканлигини яққол тасдиқлайди, — дея суд даъвосидан иқтибос келтирган АРР. — Twitter судланувчининг қонунбузарликлари натижасида тузатиб бўлмайдиган зарар кўрди ва бундан кейин ҳам зарар кўради”.

Энди суд Маскка сотиб олиш шартномасини бекор қилишга рухсат бериш ёки йўқлигини ҳал қилиши

керак. Шартнома шартларига кўра, томонлардан бири ундан воз кечса, бир миллиард долларгача жарима кўзда тутилган. Компания суддан тўрт кунлик суд жараёнини сентябр ойининг ўрталарига белгилашни сўрамоқда, деб ёзади Reuters.

NASA ЭНГ ЯНГИ “ЖЕЙМС УЭББ” ИНФРАҚИЗИЛ КОСМИК ОБСЕРВАТОРИЯСИ ТОМОНИДАН ОЛИНГАН КОИНОТНИНГ ФОТОСУРАТЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ



“Жеймс Уэбб” телескопи 2021 йил декабрида коинотга учирилганди. Ишчи орбитага чиқиш учун бир ойча вақт кетди. Кейин 5 ой давомида кўзгулар коррекция қилинди ва илмий асбоблар созилди. Телескоп 11 июлда илмий дастур бўйича иш бошлаган эди. “Бу тасвирлар Уэбб биз ҳатто тўғри кўя олмайдиган саволларга жавоб топишга ёрдам бера олишини намойиш қилмоқда. Бу саволлар коинотимиз ва ундаги инсоннинг

ўрнини яхшироқ тушунишимизга ёрдам беради”, дейди NASA маъмури Билл Нелсон.

Жуда аниқ ва тиниқ тасвирлар NASA ҳамкорлари томонидан навбатма-навбат тақдим этилди.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВИКИПЕДИЯДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ИШОНЧЛИЛИГИНИ ТЕКШИРАДИ



Википедия энди Metанинг янги нейрон тармоғидан фойдаланади, у маълумотларнинг тўғрилигини текширади. Тизим автоматик равишда бирламчи манбаларни ва улардаги маълумотларнинг тўғрилигини, шунингдек иқтибосларнинг ишончлигини текширади.

Агар маълумотлар паст сифатли манбадан олинган бўлса, нейрон тармоқ бошқа иқтибосларни таклиф қила олади. Бунинг учун сўзлар ва жумлалар ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга қодир бўлган табиий тилни тушуниш модели қўлланилади. Тизим Sphere деб аталади.

Ҳозирда маълумотлар ишончлигини аниқлаш инсон факторига боғлиқ, аммо уларнинг имкониятлари чекланган. Бошқа томондан, сунъий интеллект маълумотларни тезроқ текшириш имконини беради, бу эса интернетдаги ишончли маълумотлар миқдорини ошириши кутилмоқда. Sphere учун манба коди GitHubда мавжуд.

ХАРИДОРГА ТАСОДИФАН ҲАЛИ СОТУВГА ЧИҚАРИЛМАГАН СМАРТФОН ЮБОРИЛДИ

Twitter фойдаланувчиларидан бири смартфон харид қилиш чоғида рўй берган ажайиб тасодиф ҳақида айтиб берди. Айтишича, икки ой аввал унинг дўсти интернет орқали Pixel 6 буюртма қилган.

Смартфон июн ойида келган ва не кўз билан кўрсинки, у ҳали сотувга ҳам чиқарилмаган Pixel 7 Pro бўлиб чиқади.

Google смартфоннинг версиясини масофадан ўзгартиргунига қадар, йигитлар ҳали оммага тақдим этилмаган Android 13 ва янги гаджетнинг ажайиб камерасини синаб кўришга улгурдилар.



Халқаро ҳаёт

АҚШДА ЙИЛЛИК ИНФЛЯЦИЯ ТЎҚҚИЗ ФОИЗЛИК НУҚТАДАН ЎТДИ



АҚШда истеъмол нархлари 1981 йил декабридан бери бу қадар тез ўсмаган. Бензин нархлари индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 59,6 фоизга ошди.

АҚШда истеъмол нархларининг ўсиш динамикаси кескин кучайди. Июн ойининг охирида улар йиллик ҳисобда 9,1 фоизга кўтарилди, бу 1981 йил декабридан бери энг катта ўсишдир. 13 июль, чоршанба куни эълон қилинган АҚШ Федерал меҳнат статистикаси бюроси (BLS) маълумотлари шундан далolat беради.

Инфляциянинг кескин ўсиши, биринчи навбатда, энергия нархларининг кўтарилиши билан боғлиқ бўлиб, у 8,8 фоиздан ошмаслигини кутган мутахассислар прогнозидан ҳам юқорилаб кетди. Май ойи яқунлари бўйича истеъмол нархларининг ўсиш суръати йиллик кўрсаткичда 8,6 фоизни, апрел ойи яқунлари бўйича эса 8,3 фоизни ташкил этди.


Июн ойи ўрталарида Федерал захира тизими (ФЗТ) инфляцияга қарши курашиш мақсадида 1994 йилдан бери биринчи марта базавий фозиз ставкасини бирданига 75 базавий пунктга, яъни 1,5-1,75 фоизгача оширди. Тахминларга кўра, июль ойи охиридаги йигитлишда ФЗТ пул-кредит сиёсатини қатъийлаштиришни давом эттиради ва ставка яна 50-75 фозиз пунктга оширилади.

УКРАИНА ШИМОЛИЙ КОРЕЯ БИЛАН ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРНИ УЗДИ

Аввалроқ Шимолий Корейанинг Москвадаги элчихонаси “ДХР” ва “ЛХР” мустақиллигини тан олганини маълум қилганди.

Украина ташқи ишлар вазирлиги ўзини-ўзи мустақил деб эълон қилган Донецк ва Луганск халқ республикаларини тан олгани учун КХДР билан дипломатик муносабатлар узилганини маълум қилди.


Аввалроқ Шимолий Корейанинг Москвадаги элчихонаси “ДХР” ва “ЛХР” мустақиллигини тан олганини билдирганди.



“Украина бундай нодўстона ҳаракатга жавобан Корей Халқ Демократик Республикаси билан дипломатик муносабатлар узилганини маълум қилади. Бу мамлакатга нисбатан халқаро санкциялар жорий этилгани сабабли КХДР билан сиёсий ва иқтисодий алоқалар амалга оширилмайди”, — дейилади Украина ташқи ишлар вазирлиги баёнотида.

Қайд этилишича, Киев КХДРнинг қарорини қоралайди ҳамда бу қарор “юримдик оқибатларга эга эмаслигини ва Украинанинг халқаро тан олинган чегараларини ўзгартирмаслигини” таъкидлайди.

GERMANIYA 2022 ЙИЛ ОХИРИГАЧА РОССИЯ КЎМИРИ ВА НЕФТИГА ҚАРАМЛИКДАН ҚУТИЛАДИ



Россия кўмири ва нефтидан воз кечиш Германияда энергия таъминоти тузилмасини тубдан ўзгартиради. Россиядан газ етказиб бериш муаммоси жиддийроқ, деди федерал канцлер идорасидаги давлат котиби Йорг Кукис.

Германия шу йилнинг 1 августидан Россия кўмиридан, 2022 йил 31 декабрдан эса Россия нефтидан мустақил бўлади. Бу ҳақда 13 июль, чоршанба куни федерал канцлер идораси давлат котиби Йорг Кукис Сиднейда Халқаро энергетика агентлиги ва Австралия ҳукумати томонидан ташкил этилган энергетика форумида сўзлаган нутқида маълум қилди.

Кукиснинг фикрича, Россия кўмири ва нефтидан воз кечиш Германиянинг энергия таъминоти тузилмасини тубдан ўзгартиради. Илгари Россия Германия истеъмол қилган кўмир ва нефтнинг 40 фоизини етказиб берган. “Собиқ иттифоққа бутун Шарқий Европада таъсир воситаси бўлиб хизмат қилган “Дружба” қувури тарихидан хабардор бўлган ҳар бири киши тушунадими, бу қарамликдан қутилиш осон эмас, лекин биз шундай қиламиз. Бир неча ой ичида буни амалга оширишга қодир бўламиз”, — дея амалдорнинг сўзларидан иқтибос келтиради Reuters агентлиги.



Соҳа спорти

**СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ
ТАРАФДОРИМИЗ**

Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоятлардаги барча таркибий бўлинмаларида ходимларни оммавий спортга кенг жалб қилиш тадбирлари мунтазамлик касб этган. Шундай спорт тадбирларидан бири яқинда Наманган вилояти Электромагнит мослашув хизмати ходимлари ўртасида уюштирилди. Ходимларнинг соғлом турмуш тар-



зини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш мақсадидаги ушбу мусобақаларда хизматнинг барча ишчи-ходимлари фаол иштирок этди. Улар шахмат, мини-футбол ва стол тенниси бўйича беллашдилар. Якуний натижаларга кўра, голибларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. – Ёшларимиз ўртасида оммавий спорт билан шуғулланиш анча ўсмоқда, – дейди ЭМХ спорт тарғиботчиси Муроджон Аҳмедов. – Бундан ташқари, мусобақалар ишчилар ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамламоқда.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги 188-ф-сонли фармойишига асосан “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳисоб рақамига 2022 йил 13 июлда “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки” МЧЖ томонидан 50 000,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Мазкур маблағ “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2022 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

Раззоқова Муниса Аҳмад қизига 2019 йили Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-сонли Академик лицей томонидан берилган № 0013957 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



“НИҲОЛ”: УМРГА ТАТИГУЛИ 12 КУН

“Ниҳол” оромгоҳини болалар жуда яхши кўришади. Сабабларини санайверсангиз бармоқ етмайди. Аввало, табиати ажойиб. Бир томонда мевалари ғарқ пишган боғлар, бир томонда катта-катта харсанг тошлари диққатни тортадиган сел йўли... мана, неча йилки бу собиқ сой сувга ташна... Шундай бўлса – да бу ёввойи гўзаллик кишини ўзига мафтун этади. Қачондир қақраб ётган тошларнинг ҳам чанқоғи қонса не ажаб! Яхши ният – ярим давлат дейдиларку! Қолаверса мавзумиз бу эмас, мавзумиз болаларни соғломлаштириш жараёни. У қандай кечяпти? Бинобарин, бу сўлим масканда “Ўзбектелеком” АК ҳамда “Ўзбекистон почтаси” АЖ ходимларининг фарзандлари ҳам дам олиб, янги ўқув йилига куч тўплайдилар.

Етиб борганимда навбатдаги мавсумнинг очилиш тантанаси бошланган экан. Болаларнинг она Ватан, ота-она муҳаббатини тараннум этувчи куй-кўшиқлари парвози шунчалар баланд эдики, ёнгинамда ўтирган нуроний бувижону бобожон бир-бирларига қараб олишди. Бу ажиб туйғу акси бувижоннинг намланган кўзларида, масрур-у мамнунлиги ичига сизмаётган оналарнинг ёруғ табассумларида эди. Анави бувижон оппоқ рўмолининг бир учи билан севинч ёшларини артган бўлди. Бўлмасам-чи, ўз иктидорини кўз-кўзлаётган неварани кўришга тенг келадиган қувонч бормикан! Ахир бу ҳаяжон жуда-жуда бошқача. Буни ҳис этмоқ, таърифламоқ учун ана шу улғу ёшларга ета билмоқ керак. Юз-кўзларида меҳр балққан бувижонлардан бирини суҳбатга чорладим. У ўзини Садбархон Давронова деб таништирди, Қувасойдаги “Кварц” АЖ ишчиси экан.

– Олдин акаси келарди. Дилбандим ҳар гал “Ниҳол”дан уйга қайтганда шўхликлари бироз ариб, оғир-босиқ бўлиб бизни таажжубга соларди, рост, ишонаверинг. Энди ака юқори синфга ўтди. Укага навбат етди. – Неварасини узоқдан кўрган бувижоннинг чехраси чарқаб кетди. – Қаранг, ҳув анави болажон менинг неварам...

Бувижоннинг ёнида ўтирган жувон Маҳлиёхон Усмонова экан суҳбатга қўшилди:

– Мен бу оромгоҳда ишлаганман. Шароити жуда яхши, бола мириқиб ҳордиқ олиши учун ҳамма нарса муҳайё! Бола лагерда чиндан ҳам ўзига четдан назар ташлашга ўрганади. Ўзини бошқа болалар билан солиштиради. Ким яхшию ким ёмон. Ким ажбиру ким ялқов... ўйлайди. Касб танлайди. Хуллас, юриш-туришидаги хатоларни таҳлиллайди, хулосалар қилади. Мулоқот, нутқ маданияти

ҳақида андак бўлса ҳам тасаввурга эга бўлади. Анча жисмоний тарбия машқлари, сузиш мусобақалари, тартибли ҳаёт туфайли соғломлашиб, чайирлашганини айтмайсизми! Шу боисдан болажоним учун айнан шу оромгоҳни танладим. Диққат билан қарасам, ўқишдан чарчаган болажоним бир-икки кундаёқ қувноқлашиб, зехни янада ўткирлашиб қолгандек!

Барнохон, Муҳаммадазиз, Лазиза, Фотима, Абдулвоҳид, Муҳаммаджон... Болажонлар билан ҳам суҳбатимиз қисқа, аммо жуда мароқли кечди. “Мен инглиз тилида шеър, кўшиқлар ёдладим”, “Менга ҳайкалтарошлик ёқиб қолди”, “Мен бир пасда тўқшини ўрганиб олдим”, “Мен эса сузишни!”, “Мен соч турмакларни ўрганипман”...

Масъум бахтиёрлик барқ урган нигоҳлари, саволларга сира иккиланмай шартта-шартта жавоб беришлари, ўзларини эркин туттишлари – барча-барчаси қанчалар завқли, мароқли-а!

Шундан сўнг педиатр-врач Алишер ака Рўзиевнинг ҳам фикр-мулоҳазалари билан қизиқдим. Дўхтир ўз қарашларини мухтасаргина баён этди:

– Ҳа, менимча, кейинги йилларда болаларимиз анча соғломлашиб қолишди. Кўз тегмасин. Шунга айтишим зарурки, ота-оналар фарзандлари саломатлигига кўпроқ эътибор қаратиб, кўпроқ маблағ ажратадиган бўлишди. Қолаверса, тиббий саводхонликни оширишга йўналтирилган табдир-у чоралар амалга ошириляётгани, оромгоҳлар фаолияти мунтазам назорат қилинаётганлиги, ишга тарбиячилар танлаб олиниши, тарбиявий ишларда янгиликларга қўл уриляётгани – буларнинг бари ўз самарасини бера бошлади чоғимда. Айниқса, “Ниҳол”да янгиланишлар ўзгача бўляётганига ўзим гувоҳ бўлиб турибман.

Чиндан ҳам шифокорнинг гапида жон бор. “Ниҳол” болалар учун ҳам, ота-оналар учун ҳам маъқул бўляётган оромгоҳлардан бири. Баъзи болажаонлар 3-4 йиллар мобайнида шу оромгоҳни танлашади. Тўғарақлар ишида узилиш йўқ. Зукколик баҳслари, китобхонлик танловлари, викториналар болаликнинг қувноқ дамларига ажиб фойда бағишлайди. Яқинда очилган “Миллий хона” урф-у одатларимиз, асрий қадриятларимиз моҳиятидан “сўзлайди” – турфа видеолар, ранг-баранг суратлар намойиш этилади. Бир сўз билан айтганда, оромгоҳ ишини ташкил этишда ижодкорона ўзгаришларга эришилмоқда.

Ушбу оромгоҳ раҳбари лавозимида ишлаётганига 16 йил бўлган Курдзаде Умированинг директорлик умумий меҳнат стажига 22 йил бўлибди. Опанинг “оромгоҳшунослик” тажрибаси шунчалар бойки, ўрганишга, тадқиқ ва тарғиб қилишга арзийди. Ҳар ёз тўрт мавсумда режадаги 800 нафар болани соғломлаштириш керак бўлган оромгоҳ қўшимчасига юз нафарча болаларни соғломлаштиришга муяссар бўлади. Бу ишнинг югур-елларини, захматларини ҳам санаб адоғига етмоқ мушкул.

Ҳа, мазкур оромгоҳнинг бошқа оромгоҳлардан кўплаб афзал жихатлари борлиги ойдек равшан. Буни ота-оналардан бири бўлмиш Данғара телекоммуникациялар боғламаси иш юритувчиси Розахон Ризақулова ҳам тасдиқлади ва, ўз навбатида, у Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига таклифларини етказиб қўйишимни ҳам илтимос қилди. “Кейинги йилларда, – деди – оромгоҳга йўлланма нархининг 30 фоизини ўзимиз тўлапмиз. Нима учун? Ҳайронман. Соҳамизда болалар оромгоҳларига йўлланмалар азал-азалдан бепул бўлганку! Федерацияда бу сўровимиз бир кўриб чиқилса, жуда ҳам соз бўларди.

Таклифингиз тегишли раҳбарлар қулоғига етиб боради ва инобатга олинади, деган умиддамиз. Юқорида таъкидлаганимиздек, яхши ният – ярим давлат. Яхши ният эса фақат ва фақат яхшиликлар эшикларини очиб юборади.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Xabar”нинг Фарғона
вилоятидаги муҳбири



Ибрат

ТАРОЗИ

Бир куни фақирона кийинган, маънос бир аёл сабзавот дўконига кирди. Дўкон сохибига торгинибгина яқин борди ва эри оғир хасталик туфайли бирор ишга ярамай, тўшакка ётиб қолгани, етти боласи борлиги, уларнинг очлик азобидан қийналаётганини айтди.

Сотувчи унга терс қараб:

– Эй, тиланчи хотин, дарҳол дўконни тарк эт! – деди.

Аёл эса болаларининг емак ейишга эҳтиёжи борлигини айтиб ёлворганча:

– Илтимос, жаноб, болаларимнинг қорнини тўйдириб, одамларнинг эшигига ишлагани жўнатаман. Улар пул олиб келган заҳоти қарзингизни қайтараман, – деди.

Дўкондор аёлнинг илтижоларига парво қилмай, уни танимаслиги, доимий харидорларидан эмаслигини айтиб илтимосини рад этди. Шу пайт дўкон ташқарисида турган бир мижоз сотувчи билан аёл ўртасида бўлаётган суҳбатни эшитиб қолди ва ичкарига кириб дўкондорга:

– Бу аёлга сўраган нарсаларини бер, мен кафил бўламан, қарзини қайтаради, – деди.

Унинг гапига кўра сотувчи аёлга қаради – да, истамайгина:

– Оладиган нарсаларингни рўйхат қилган-мисан? – дея сўради.

Аёл тасдиқ маъносини бериб бош ирғади.

– Ундай бўлса уни тарозининг бир палласига кўй – да, иккинчи палласига ўзинг оладиган нарсаларни кўй. Рўйхат қоғозингнинг вазнига тенг нарсаларни бераман, – деди.

Аёл бир муддат турди – да, бошини қуйи эгиб чопонининг чўнтағидан бир қоғоз парчаси олиб тарозининг бир палласига қўйди. Шу пайт дўкондор ва кафил мижознинг кўзлари ҳайратдан катта – катта очилди. Тарозининг тош қўйиладиган палласига қоғоз парчасининг оғирлигидан чўкиб кетганди.

Дўкондор кафил мижозга қараб эзгин товушда:

– Ишонмайман... Ишониладиган ҳолат эмас... – деди.

Тарозининг маҳсулот қўйиладиган палласи керагидан ортиқ нарсалар билан тўлди. Дўкондор ваъдага биноан аёл олган ҳамма егуликларни халтага жойлаб, қўлига тутқазди. Зудлик билан тарози палласидаги қоғозни қўлига олди – да, ўқиди. Унда ҳарид қилинадиган маҳсулотлар рўйхати эмас, қуйидаги сўзлар ёзилганди:

“Аллоҳим! Нимага эҳтиёжим борлигини ёлғиз ўзинг биласан. Шунинг учун, ўзимни сенга таслим этаман. Ўзингга таваккал, ўзинг омонат берган болаларимнинг ризқини етказ!”

Дўкондор тош каби қотди – қолди. Аёл унга ташаккур айтиб, дўкондан чиқди. Аёлнинг харидига кафиллик қилган мижоз бир даста пулни дўкондорга берди ва “Қайтими керак эмас” деди. Мижоз дўкондан чиқиб кетаётган тарози палласарининг синганига кўзи тушди.

Нима сабабдан тарози палласи сингани ва дуонинг кучи нақадар залворли экани ёлғиз Аллоҳгагина маълум эди...

Турк тилидан

Умида АДIZОВА таржимаси

ТАХМИНИЙ ЁКИ НОЁБ ПАРОЛ ТАНЛАНГ

Таниқли VPN хизматларидан бири бўлган ExpressVPN учинчи томондан интернетда тарқатиб юборилган пароллар билан тадқиқот ўтказди ва натижани давлатлар, тиллар ва маданиятга кўра ажратиб чиқди. Берилган қизиқарли маълумотларга қараганда, ёмон пароллар ўртасидаги фарқ баъзан оддий тил масаласи бўлган. Масалан, кўпглаб инглизлар ўртасида “password” (ўзбек тилида “парол”) сўзи энг оммалашган парол сўзи бўлса, немисларда бунинг бироз бошқача варианты: “passwort” энг кўп ишлатилар экан. Шунингдек, клавиатуранинг бошланғич ҳарфлари, таниқли “qwerty” эса францияликлар учун “azerty” ва бу уларнинг сеvimли паролларидан бири.

Ёмон пароллардан фойдаланиш маданиятга кўра саралаганда эса буларнинг барчаси янада қизиқарли тус олади. Мисол учун, Италиянинг “Ювентус” футбол жамоаси мухлислари учун “juventus” сўзи қониқарли парол танлови бўлса керак, италиялик интернет фойдаланувчилар орасида бу тўртинчи энг ёмон парол ҳисобланади. Ҳиссиётлар ҳам паролларни четлаб ўтмаган: америкаликлар орасида “loveyou”, индонезия ва малайзияликлар учун “sayang” (қадрдоним) сўзи энг кўп қўлланиладиган ёмон пароллар орасида.

ExpressVPNнинг мингдан ортиқ америкаликлар ўртасида ўтказган сўровномасига кўра, ўртача одам битта паролдан олтига веб-сайт/платформада фойдаланар экан. Катнашчиларнинг 43 фоизи маълум қилишича, ёқтирган инсонлари уларнинг паролларини тахмин қилиши мумкин. Шу билан бирга ҳар бешта одамнинг иккитаси паролларида ўзларининг ёки исмлари ёки фамилияларини ишлатишларини тан олишади. Сўровномага кўра, респондентлар шахсий маълумотларининг паролларда қўлланиши даражаси шундай тартибланган: исм – 42,30 фоиз, фамилия – 40,00, отасининг исми – 31,60, туғилган

санаси – 43,90, телефон рақами – 32,20 ва фарзандининг исми – 37,50 фоиз.

Оддий ва тахмин қилиш мумкин бўлган пароллардан фойдаланиш фойдаланувчиларнинг маълумотлари ўғирланиши каби ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Шундай экан, барчага қуйидагича талабларга жавоб берадиган мукамал пароллардан фойдаланиш тавсия қилинади:

Узун: парол камида саккиз белгидан, идеал ҳолда эса 12–15 белгидан иборат бўлиши керак. Ҳар бир қўшимча белги унинг бузилишини қийинлаштиради.

Тахминий: яъни, паролнинг маънога эга бўлмаслиги ва тасодифий ҳарфлар, рақамлар ва белгилар қаторидан иборат бўлиши керак.

Ноёб: максимал ҳимоя учун ҳар бир он-лайн аккаунтингиз учун алоҳида пароллардан фойдаланишингиз керак. Агар барча ҳисобларингиз учун фақат битта паролдан фойдалансангиз, кимдир, қайсидир йўл билан паролингизни билиб олса, у сизнинг бошқа аккаунтларингизга ҳам кира олади.

Албатта, бундай турдаги паролларни эслаб қолиш қийин ва шу сабаб парол менежери дастурлари, шу билан бирга, браузерларнинг ўзидан ички парол сақловчи менежерлар мавжуд.

Xabar

MUASSIS:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
AXBOROT TEXNOLOGIYALARI
VA KOMMUNIKATSIYALARINI
RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI

Bosh muharrir:

Abdug'ani ABDURAHMONOV

Tahrir Hay'ati:

Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV,
Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV,
Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi.
Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar" dan olinganligi ko'rsatilishi shart

Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi.
Bahosi kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100000 Toshkent shahri,
Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy
(Mo'ljal Oloy bozori).
Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31.
Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Obuna indeksi — 228.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
Dizayner: Asliddin BO'RIYEV.
Navbatchi: Asliddin BO'RIYEV.



ISSN 2010-6424

Bosishga topshirildi — 17 °°
Bosishga topshirish vaqti — 24 °°

Gazeta O'zbekiston matbuot va
axborot agentligi tomonidan
0016 raqami bilan 2013-yil
23-iyulda ro'yxatga olingan.

Gazeta
haftaning
juma kuni
chiqadi

Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

Г-759 sonli buyurtma.
Ofset usulida bosildi.
Qog'oz bichimi A-3, hajmi
2 bosma taboq. Adadi: 2991

Viloyat
muhbirlari:

Andijonda (74) 226-47-80

Buxoroda (99)854-7305

Jizzaxda (94) 199-95-64

Namanganda (91) 353-71-25

Navoiyda (79) 225-91-10

Nukusda 554-35-45

Samarqandda (91)557-84-44

Termizda (99)508-30-52

Toshkentda 234-18-59

Urganchda (97) 211-65-05

Farg'onada (73) 244-18-05

Qarshida (93)931-08-99